
Учкўприк туманида 150 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди

Учкўприк туманидаги 12-давлат мактабгача таълим муассасасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкилланган тантанали тадбирда туман ҳокими Қодиржон Эркабоев, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, мактабгача ва мактаб таълими бўлими масъуллари, маҳалла фаоллари, нуронийлар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг сони йилдан-йилга ортиб, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси ошиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Учкўприк туманида ҳам мактабгача таълим ташкилотлари сонини кўпайтириш, мавжуд боғчаларда қўшимча бинолар қуриш ва бу орқали мактабгача таълимга болалар қамровини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мактабгача таълим масканларини кўпайтириш учун оилавий, нодавлат ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалар ташкил этилмоқда.

Қайд этилишича, туманнинг “Бегобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 12-давлат мактабгача таълим муассасаси 1956 йилда 90 ўринга мўлжаллаб қурилган бинода фаолият олиб борган.

Давлат инвестиция дастури асосида мазкур мактабгача таълим муассасаси учун икки қаватли замонавий бино қурилди. Лойиҳа қиймати 5 миллиард сўм бўлган янги таълим маскани 150 нафар кичкинтойни ўз бағрига олди.

Янги боғчада кичкинтойларнинг сифатли бошланғич таълим олишлари, ҳар томонлама соғлом ўсиб-улғайишлари учун барча шароит яратилди. Машғулот хоналари, ўйин майдончалари, ошхона, мусиқа ва спорт заллари замонавий жиҳозланди.

Боғчада инглиз ва рус тили машғулотларидан ташқари, болаларнинг хоҳиш-истаги ва қизиқишларига кўра, рақс, гимнастика, шахмат, шашка тўгараклари ташкил этилади.

2024-11-04 11:59:22